

Анъанавий матбуотнинг муайян маънода "нонини яримта килган" "сарик матбуот" кандай юзага келганига ҳеч кизикиб кўрганмисиз? Бугун Нью-Йорк остонасида савлат тўкиб турган машхур "Озодлик" хайкали хомийси айнан газета эканидан бохабармисиз? Колумбия университетидаги журналистлар тайёрловчи номдор марказ хақида биласизми? Адабиёт, драма, матбуот, мусика, таълим йўналишларидаги ижодий ишларни рағбатлантирувчи нуфузли мукофотни-чи?..

Бу оламшумул ходисаларнинг ўзаро боғликлиги нимада? Эҳтимол, ҳеч иккиланмай Америка Кўшма Штатлари, дея жавобга ошиқаётгандирсиз? Бу жавоб ҳам мантиқан тўғри. Шундай бўлса-да, улар бошқа бир ном устида туташадилар. Хўш, Американи ана шундай ютуқларга "ватан" килган ким?

Медиабизнес ихлосмандлари ҳамда хусусий матбуот эгаларининг кўпдан бери диккат марказида бўлган улкан медиа-империя охир-окибат шиддатли рақобатга бардош бера олмади. Йўқ, гап бугунги куннинг энг катта медиа-хукм-рони Мердоклар хақида эмас. (Бу сулола фаолияти ҳамон изчил давом этмокда.) Аксинча, сўз Сент-Луисда жойлашган "St.Louis Post-Dispatch" ва "Arizona Daily Star" каби икки йирик газета, яна АКШ ҳудудидаги ўн икки кундалик, бир неча ҳафталик нашрларни ўз ичига олган Пулицер контсерни хусусида.

У эндиликда Мердоклар корпорацияси каби матбуот оламининг гигантлари билан беллаша олмай қолди. Шундай бўлса-да, унинг яхшигина тушумбарор "ўлжа" бўлишига ишонган "New York Times" ва "Gannett Newspapers" ("USA Today" эгалари)нинг контсернга кизиқиши катта эди. Айнан улар "Пулицер"нинг бўлажак хўжайинлари сифатида тахмин қилиниб, жамоатчилик оғзига тушишга ҳам улгурдилар. Бирок, Американинг энг кекса ва машхур бу даврий матбуот контсерни "Lee Enterprises" компанияси томонидан 1,46 миллиард долларга сотиб олинди. Афсонавий журналист, ношир Жозеф Пулицер асос солган ушбу контсерн қачонлардир замонавий журналистикага тамал тошини қўйган эди ва у қарийб бир аср-дан зиёдрок вақт мобайнида авлодларининг асосий даромад манбаи бўлиб қолди.

Машхур сулола фаолиятининг барҳам топаётгани ачинарли ҳол, албатта. Венгриялик яҳудий муҳожир Жозеф Пулицер асос солган компанияга ворисликни унинг ўғли, кейинроқ эса невараси давом эттирди. Шуни таъкидлаш жоизки, уларнинг ҳар иккаласига сердаромад компания билан бир қаторда, бобосининг исми ҳам мерос бўлиб ўтган эди. 1993 йили Жозеф Пулицер III вафотидан кейин компания акцияларининг катта қисмига (49,6 фоизи) унинг 71 ёшли беваси Эмили Раух-Пулицер эгалик қилади. Шундан сўнг оиланинг компаниядаги фаолияти деярли сезилмай қолди. Марҳумнинг ўғли Жозеф Пулицер IV эса, оилавий бизнестан 1995 йилиёқ воз кечганди.

Жозеф Пулицер ўз салтанатини 1878 йили барпо этди. Ҳеч бир сулола бу қадар матбуот бизнесининг яққол тимсоли бўла олмаган. Ҳа, ўша хира кўрувчи дароз, жаззакчи венгер муҳожиридан бўлак ҳеч ким! Жозеф Пулицер Уилям Рендолф Хёрст билан басма-бас журналистиканинг янги ва мунозарали намунасини яратди. У халқ томонидаги жамоат

ишларининг фаол иштирокчиси ҳамда демократия вакили сифатида ўзини кўрсатди. Монополиялар жабрдийдалари бўлмиш меҳнаткашларни қўллаб-қувватлаб, сиёсий корруптсияни фoš этишда ўз хиссасини кўшди. Журналистика тирикчилик учун макбул йўл ҳисобланмаган бир пайтда Пулицер бу соҳага бўлган муносабатни, жамоатчилик фикрини бутунлай ўзгартириб юборди.

Офитсиант, подачи, ҳаммол...

Бахт ёхуд бахтсизлик Сизнинг кимлигингиз, каэрда ва нима килаётганингиз, нимага эга эканингиз билан эмас, балки нима хакида ўйлашингиз билан белгиланади.

Жозеф Пулицер

Жозеф 1847 йилнинг 10 апрелида Венгриянинг Мако шахрида дунёга келган. Галла савдоси билан шугулланувчи отаси венгер яҳудийларидан, католик динига эътикод килувчи онаси эса олмон миллатига мансуб эди. Такдир такозоси билан улар Будапештга кўчиб келишади ва Жозеф ўша ерда хусусий мактабда таълим олади. 17 ёшида харбийликка кучли хавас уйғониб, бирваракайига Франция, Авс-трия ва Британия армияларига ёлланишга уринади. Бирок, кўриш қобилияти ва соғлиги заиф бўлгани учун уни харбийга олмайдилар. Лекин уч бора берилган рад жавоби ҳам Пулицерни шаштидан кайтаролмади. Ўша пайтда Америка Қўшма Штатларида Гражданлар уруши кетаётган эди. Кўпчилик бадавлат америкаликлар ёлланма одамнинг хакини бериб, харбийга чакирувдан кутулиш пайида эдилар. Жозеф ҳам Шимол ар-миясининг ана шундай кўнгилли солдатларидан бўлди. У Биринчи Нью-Йорк отлик полкида оддий аскар сифатида жанг-га кирди. Аммо бу бўз боланинг ўз хомхаёллари билан видолашишига кемада ўтган бир неча ой кифоя килади. 1865 йили уруш тугагач, уни армиядан осонгина хайдаб юборадилар. Ўн саккиз яшар йигитчанинг нима қилишни билмай боши қотади. Жозеф олмон, фронтсуз ҳамда венгер тилларида равон сўзларди-ю, аммо инглизчада оксарди. Инг-лиз тилини билмай эса дурустрок иш топиш амримахол эди. Кунларнинг бирида у ўзининг севимли "Вестliche Пост" газетасида Луизиана штатининг тамаки плантатсиясига ишчи кераклиги хақидаги хабарни ўқийди. Ишчилар у ерга Миссисипи орқали юборилар эди. Жозеф пул топиш умидида кемага ўтиради. Лекин шахардан 50 километр узоклашганда кема капитани энди ишчига эҳтиёж йўқ деган хабарни олади. Яёв қайтишга мажбур бўлган аламзада Пулицер бу ҳақда "Вест-liche Пост" газетасига аччиқ кинояли хат ёзади. Тахририят йигитчанинг мактубини эълон килади. Бу - Жозефнинг газетада чоп этилган биринчи "асари" эди.

Бўлажак "Америка журна-лис-тикасининг Колумби" не ишларга қўл урмади дейсиз: подачи, офитсиант, вокзалда юк ортувчи, ҳаммол, адвокат ёрдамчиси, хуллас, тирикчилик тошдан каттик деганларидек, неки кора иш бўлмасин, у барига кўнаверди. Шахарма-шахар иш кидиравериб, вабо авж олган Сент-Луисга бориб қолади ва аслахахона бошлиги ўрнига ишга жойлашади. Вабодан вафот этганларни кўмиш ҳам унинг зиммасида эди. Ишдан сўнг кутубхонадан кўшимча иш олиб, бирваракайига конунлар ҳамда инглиз тилини ўрганади. Ўша кутубхонанинг шахматхонасида унинг елкасига омад қуши қўнади. Пулицер икки ўйинчининг юришини кузата туриб, улар суҳбатига аралашади. Ўйинчилардан бири олмон тилида чикувчи "Westliche Post" газетасининг хўжайини Карл Шуртс, иккинчиси эса, унинг муҳаррири Эмил Преториус

эди. Ёш йигитчанинг такдирини унинг шахмат ишкибозларига берган биргина жўяли маслахати хал килди-кўйди. Улар Пулицерга газетада мухбирлик лавозимини таклиф киладилар.

Янги хаёт

Орзуларни рўёбга чикариш учун уй-гонинг!

Ж. Пулицер

Аввалига инглиз тилини яхши билмагани ва турли миш-мишларни текширмай шошалоқлик килгани учун мухаррирлардан кўп дакки еди. Хамкасблари эса, бу дароз йигитга хазиллашишдан сира ўзларини тия олмасдилар. Бирок, бора-бора, иш уни тамоман эгаллаб олди, ўз устида тинимсиз ишлади, ўкиб-ўрганди. Кўп ўтмай у хар кандай ахборотни кўлга кирита олади деган олқишга сазовор бўлди. "Хаммага тааллуқли бўл-ган нарсани журналистлардан бўлак ҳеч ким сезмайди", дерди Жозеф ўз муваффақияти сирини очар экан. Уч йилдан сўнг чапдаст журналист сифатида у Цент-Луиснинг эътиборли жамоат арбобига айланди. 1869 йили уни хатто Миссури штатининг конун чикарувчи мажлисига сайлайдилар. Жозеф "Westliche Post" газетасида мухбирлик билан бир вақтда банклар ва банк иши бўйича кўмита котиби ҳам бўлиб ишлайди. 1870 йили кўмита раиси истеъфога чиққач, кутилмаганда Пулицер ушбу лавозимга тайинланади. Шу ерда конунга хилоф иш тутишга тўғри келади. Кўмита раислигига 24 ёшдангина кўйиларди. Жозеф эса, ўша пайтда бор-йўғи 23 ёшда эди...

1871 йили Карл Шуртс унга "Westliche Post"нинг хаммуассиси бўлишни таклиф килади. Шу орада уни Сент-Луиснинг полиция комиссари этиб тайинлашади. Пулицер энди батамом сиёсий ҳаётга шўнгиб кетади. 1872 йили президент-лик кампаниясида либерал-республикачилардан Хорас Грил номзодини кўллаб-куватлайди. Бирок, у сайловда мағлуб бўлгач, Пулицернинг сиёсий фаолияти ҳам нисбатига етади. Гарчи ўшанда у Демократлар партиясига қарши чиққан бўлса-да, ўзи умрининг охиригача демократлигича қолди.

Ўзгаларнинг сайловида мағлубиятга учрагач, у яна журналистикага қайтди. Лекин ке-йинроқ "Westliche Post" унга торлиқ қилиб қолди. 1874 йили у газета актсияларини сотиб, Вашингтон томон йўл олади. Сент-Луис кутубхонасидаги изланишлари зое кетмай, у адвокатлик қилиш ҳуқуқи учун имтиҳон топширади. Пулицер уч йил мобайнида адвокатлик билан бирга, "The New York Times" газетасида мухбирлик ҳам қилади. Адвокатлик унинг молиявий шароитини анча тиклаб, у вашингтонлик Кейт Девис исмли қизга уйланади. Шундан сўнг унинг турмуш тарзи мутлақо бошқача тус олди. Бир вақтлар Сент-Луиснинг ҳароба кўчаларида дарбадар изгиган "яхудий тирранча", эндиликда Америка граждани, нотик, ёзувчи ҳамда инг-лиз ноанъанавий журналист-тикасининг асосчиси сифатида тан олинади. У маҳаллий зодагонлар мухитига осонгина мослашиб, башанг қийинадиган, хиёбонларда от ўйнатиб, зиёфатлардан завқ оладиган бўлди. Бирок, бундай ҳаётдан баҳра олиш кўпга чўзилмади. 1878 йили унга синиш арафасида турган "Dispatch" ҳамда "Post" газеталарини сотиб олишни таклиф қиладилар. Пулицер икки газетани бирлаштириб, уни "St.Louis Post-Dispatch" деб номлайди.

Бир инсон инкилоби

Вокелик орзуни барбод этиши мумкин. Нега энди орзу вокеликка бархам бера олмас экан?

Ж. Пулицер

Мана, энди ўз орзусидаги газетани яратиш имконияти тугилди! Пулицер энг шимариб астойдил ишга киришади. Бир вақтнинг ўзида ҳам хўжа-йин, ҳам мухаррир, ҳам журналист-ликни эплайди. У ўзининг журналистик суриштирувларида сиёсий фаолияти давомида таниган кишиларни фош этди, зўр гайрат билан барча маҳаллий сиёсий кампаниялар ҳамда жанжалларга аралашди. "St.Louis Post-Dispatch" шаҳарнинг энг машхур нашрларини ҳам ортда қолдириб, жанговар газетага айланди. Шу тариқа, журналистика сахнасида яна бир қучли шахс пайдо бўлди. "The New York World" газетасининг мухаррири Жеймс Уайман Барретт ўзининг "Жозеф Пулицер ва унинг олами" биографик асарида шундай ёзади: "У эрта тонгдан то ярим тунгача, баъзан ундан ҳам кечроқ ишлаб, газетанинг ҳар бир ҳарфи устида бош қотиради".

Пулицер муштарийларини қўпайтириш мақсадида газетани шов-шувли текширувлар, аёвсиз шарҳлар билан бойитди. Журналистик суриштирувлар, давлат коррупцияси, солиқ найрангбозлари ҳамда муттаҳамларга қарши таҳририят ҳужумларини эълон қилди. Бундай чакин чиқишлар айна ўқувчиларнинг қанқогини қондириб, натижада газета адади хайратомуз даражада қўтарилди.

Бирок, қунига йигирма соатли узлуксиз меҳнат ўз таъсирини кўрсатди. Ўттиз беш ёшида кўзи кескин хиралаша бошлаган Пулицерни факат биргина кўркув - газета ўқий олмаслик ҳавфи дам олишга мажбур этарди. У 1883 йили хотини билан доктор кўрсатмасига кўра Европа сафарига отланади. Бирок, Нью-Йоркка келганида фикридан қайтиб, молиявий танг аҳволда қолган "The New York World" газетасини сотиб олади. Соғлиги жиддий ҳавф тугдираётганига қарамай, у "World"нинг ишларига қўмилиб кетади. Баррет бу ҳолатни: "Бу бир Инсон инкилоби эди", дея изоҳлайди.

"Бу улкан ва ривожланиб бораётган шаҳарда газета учун... ёруғ, қатта ва чинакам демократиябоп жой бор... у барча қаллоблик ва риёкорликни фош этади; таҳкир ва жаҳолатга қарши қурашади; ошқораликка хизмат қилади". (Жозеф Пулицернинг "The New York World" газетасига эғалик ҳуқуқини қабул қилиш пайтида сўзлаган нутқидан.)

Жозеф Пулицер Нью-Йорк таблоидида (кичик форматдаги газета) илк бор иллюстрациялардан қенг фойдаланади ҳамда давомли мақолалар эълон қилади, энг асосийси, янгиликларни етказишда тезкорликни таъминлашга муваффақ бўлади. Газетанинг биринчи сонидак 1 миллион доллар зиён қелтирган Нью-Жерсидаги даҳшатли тўфон ҳақидаги мақола, қотилликда айбланган кишининг қатли олдидан олинган интервью берилади. Пулицер ўз журналистларидан "шов-шув ташиш"дан кўра, уни ёрита билишни талаб қиларди. Қатта-қатта ҳарфлар билан ёзилган: "Ўлим нафаси", "Уолл-стритдаги террор" ёки "Кичкинтой Лизанинг маҳбуби" каби сарлавҳалар ўқувчилар диққатини тортади. Пулицернинг шарофати билан "World" бош саҳифада мунтазам сиёсий карикатуралар эълон қилувчи биринчи газетага айланади. У ўрта қатламни

камраб олган оммабоп газета эди. Колаверса, Пулицер асос солган бу янги усул кейинрок "янги журнализм" номини олди. Ўн йил ўтгач, "The New York World" мамлакатдаги энг катта - 600000дан ортик нусхада чикувчи газетага айланди.

Пулицер ўз журналистлари билан "салиб юришлари"(репортаж жанрида ёзилган тахририят текширувлари)ни ташкил этади. Бундай "салиб юришлари"нинг энг ёркин намунаси Нелли Блайнинг Нью-Йорк рухий касалликлар шифохонаси хакида ёзган маколasi бўлди. Шифохонага кириб олиш учун журналист ўзини шунчалик жинниликка соладик, уни текширган беш шифокордан тўрттаси "шизофрения" ташхисини қўяди. Бир неча ҳафтада "согайиб кетган" Неллининг шифохонадаги хақиқий ҳолат тасвирланган репортажи "World"да босилади. Жумладан, унда касаллар совук хоналарда муолажа қилиниши, еб-ичишнинг тайини йўқлиги, уларга шафкатсиз муносабатда бўлишлари баён этилади. Бу маколадан кейин мерия(хокимият) шифохонани қайта жихозлаб берди. "Салиб юришлари" хакида Пулицер шундай дейди: "Айнан мавҳумлик ортида жиноят илдиз отади. Уни юзага чиқаринг, ёзинг, матбуотда эълон қилинг. Эртами-кечми, жамоатчилик фикри ўзининг покловчи таъсирини қўрсатади".

"Озодлик" хомийси

Ўзингиз яхши қўрган нарсaга эга бўлишга ҳаракат қилинг, йўкса, эга бўлган нарсангизни яхши қўришга мажбур бўласиз.

Пулицер

Франтсиядан Америкага келтиришнинг имкони топилмаётган, бугун "Озодлик" номи билан жаҳонга донг таратган хайкалнинг дастлабки тавсифи ҳам "World" газетасида биринчи бўлиб ўз аксини топди. Нью-Йоркнинг машхур тимсоли бўлмиш Озодлик хайкали айнан Пулицернинг саъй-ҳаракати билан шаҳар бандаргоҳида қад ростлади. Ушбу хайкални ўрнатиш унчалик оммабоп гоя эмасди, шу боис, ҳукумат уни молиялаштиришни рад этади. Шунда Пулицер ҳаммани аёвсиз танқид остига олади: сиёсатчиларни субсидиядан бош тортганликда, бойларни пул бермаганликда, туб аҳолини эса, бировларга орқа қилишга ўрганиб қолганликда айблайди. Зарур маблағни йиғиш учун оммавий обунани йўлга қўяди ва икки ой ичида кампаниянинг "Озодлик хайкалини қуриш фонди" қурилишга керакли юз минг долларни тўплайди. Хайкални шахсан АКШ президентининг ўзи очади...

Пулицер ихтироларидан бири - Озодлик хайкали атрофидаги мўъжизавий ёруғлик гардиши бугун ҳам ёғду таратмокда.

"Сарик матбуот" отаси

Ижтимоий ҳаётда энг катта маънавий қуч ва омил ошқоралик, ошқоралик ва яна ошқоралиқдир!

Бу фикр ҳам Жозеф Пулицерники.

Пулицер "The New York World" газетасини сотиб олганида унинг адади 15000 нусхадан ортимаган эди. Ўн беш йил ўтгач, 1898 йили унинг тиражи 1 миллионга етди. "St.Louis

Post-Dispatch" ҳамда "The New York World" унга 20 миллион доллар миқдорида (бугунги ҳисобда 3 миллиард) даромад келтирди.

Аммо унинг муваффақиятлари ҳаммага ҳам манзур бўлавермади. Ракиблари унинг бироз танобини тортиб қўйиш учун ҳар нарсасига тайёр эдилар. Бундай зарбалар ўз кучини кўрсатиб, унинг соғлигига таъсир этади. У 1890 йили 43 ёшида "World"нинг муҳаррирлигидан воз кечишга мажбур бўлади ва тахририятга бошқа кайтмайди.

У дунёнинг энг яхши шифохоналарида даволанса-да, бу ҳеч қандай наф бермади. Бировнинг кўмагисиз бир қадам ҳам ташлолмай қолди. Устига-устак, шовкинга ўта сезгирлик қасалига мубтало бўлади. Жанговар журналистнинг сўнгги йигирма йиллик умри Нью-Йоркда жойлашган ховлисининг товуш ўтказмайдиган бункери ва "Озодлик" номли яхтасида ўтди.

Шунга қарамай, у масофадан туриб ўз нашрларининг ҳам тахририй, ҳам тижорий ишларини бошқаришни уйдалади. 1896 йили Пулицер ва Уилям Рендолф Хёрст адад борасида кизгин рақобатлашади. Кучли сарлавҳалар, оламшумул янгиликлар, шов-шув қўтарувчи хабарлар, иллюстратсиялардан фойдаланиш орқали ишчилар ҳамда мухажирлар эътиборини жалб этишга қаттиқ киришади. Газета қулгили иловаларга қатта эътибор қаратади. 1895 йили мултипликатор Ричард Ф.Аутколт (1863 - 1928) чизган рангли "Сарик бола" номли мултипликатсия тўла саҳифада чоп этилади. Лекин ўшанда бу номнинг "сарик матбуот"га ҳеч қандай дахли йўқ эди. 1898 йили Пулицер тез ишловчи рангли босма машинасини сотиб олади ва ўз даври учун тасвир орқали таъсир этувчи ягона газета яратади. Адад устидаги жангда Пулицерга қалтис бир ҳаракат ҳалал берди: Аутколт Хёрстнинг нашрларидан бири бўлган "The New York Journal"га ўтиб кетади.

1898 йили Пулицер ҳам, Хёрст ҳам ўз газеталарининг кучини кўрсатишга киришадилар. 16 февралда Американинг "Майн" номли ҳарбий кемаси номаълум сабабларга қўра портлаб, Хавана бандаргоҳида гарк бўлгач, уларнинг ҳар иккиси "кимўзарга" Испанияга қарши мақолалар бера бошлайдилар. "World" президент Мак Кинлийга уруш очиш тўғрисидаги даъво билан мурожаат қилади. Конгрессменлар газетадаги бу таҳлит эътирозларни инобатга оладилар. Тўрт ойлик натижасиз урушдан сўнг уларнинг ҳар иккови "сарик матбуот"чиликда айбланади ва Пулицер ўз контсептсиясидан воз кечишга қарор қилади. Эндиликда "World" материал узатишда ўзини чеклайди ва Демократлар партияси манфаатларини ёқлаб чиқади.

Гарчи Пулицер "сарик матбуот"га қўл силтаган бўлса-да, "World" 1909 йилдаги текширувлари билан жамоатчилик ҳурматини қайта қозонади. Газета Франтсия компаниясининг Панама каналига АҚШ ҳукумати томонидан тўланган ноконуний 40 миллион доллар ҳақидаги хабарни эълон қилади. Федерал ҳукумат "World"ни президент Теодор Рузвелт ҳамда банкир Ж.П.Морганга тухматда айбламоқчи бўлади. Бироқ, суд айблов даъвосини бекор деб топади.

Пулицер 1911 йилнинг 29 октябрида ўз яхтасида юрак хуружидан вафот этади. Ўлиmidан олдин у қайсидир маънода қасбий васиятини ёздириб қўяди: "Факат қатта

масъулиятгина журналистикани жамоатчилик манфаатига зид келувчи, муайян синфларнинг шахсий максадларига қарам бўлиб қолишдан қутқаради".

Ўлимдан кейинги ҳаёт

Мен журналистиканинг юксалиши ҳамда таракқиёти тарафдориман, умримни журналистикага бағишладим. Шунинг билан айта оламани, у кишилар маънавияти ва дунёқарашига таъсир этувчи эзгу ҳамда бекиёс соҳа. Ниятим - лаёқати ва қобилияти бўлган ёшларни бу касбга тортиш, озми-кўпми, ўзини бу йўлда синаб кўрганларга маънан юксак ҳамда закиқ таълим олишларида кўмак беришдир.

Жозеф ПУЛИТСЕР

1904 йили Пулицер ўз васиятида 2 миллион долларни Колумбия университетига хатлаб беради. Медиа-магнат бу пулларнинг тўртдан уч қисми олий журналистика мактабини ташкил қилишга сарфланишини, қолган қисми эса, Америка журналистлари учун махсус мукофот таъсис этишга йўналтирилишини истади. Бу билан у динамит ихтироқиси Алфред Б.Нобел (1833 - 1896) йўлини тутди.

У ёшлар юрагига учқунлаётган истак, иштиёқ профессионал даражада шакллана олиши учун замин яратиб қетди. Колумбиядаги журналистика мактаби Пулицер вафотидан бир йил ўтгач, ташкил қилинди. Ушбу мактаб бугунги кунда ҳам журналистлар тайёрловчи энг яхши марказ саналади. У яратган Фонд ҳисобига 1917 йили махсус кўмита бошчилигида Пулицер мукофоти таъсис этилди. Пулицер ўз васиятида мукофотни қандай тақдим қилиниш тартибини батафсил тавсифлаган. Хусусан, ҳар йили журналистика ҳамда адабиётнинг тўрт йўналиши, таълим соҳасининг бир йўналиши бўйича мукофот беришларини сўрайди. Унинг хоҳишига кўра, энг яхши роман, драма, АКШ тарихига бағишланган китоб ва биографияларга алоҳида мукофот белгиланди. Ушбу рўйхатга қўшимча ёки ўзгартириш қиритишни кўмита кенгаши аъзоларининг ҳукмига ҳавола этади.

1922 йилдан улар қаторига энг яхши қарикатура, 1942 йилдан эса, энг яхши фотосурат учун (кейинроқ у иккига: янгилик ҳамда бадиий фотосурат йўналишларига ажралди) номинатсиялари ҳам қўшилди.

Бугун Пулицер мукофоти номинатсиялари сони йигирма биттага етди. Ҳозирда ушбу мукофотнинг нуфузи баланд. Ҳар йили қарийб уч мингга яқин даъвогар мукофот учун қурашади. Иштирокчилар йил давомида АКШнинг қундалиқ, яқшанбалик, ҳеч бўлмаганда, ҳафталик нашрларида ўз материалларини эълон қилган бўлишлари лозим. Март ойининг бошида 77 муҳаррир, ношир, ёзувчи ҳамда педагог иштирокчиларни журналистиканинг 14 категорияси бўйича саралаш учун Колумбиядаги журналистика мактабига йигилади. Гарчи мукофотнинг қиммати, бор-йўғи, 10000 долларни ташкил этса-да, уни қўлга қиритиш учун қатта қураш қетади. Айниқса, "Жамоатчилик хизмати учун" номинатсияси қолибига алоҳида эътибор қаратилади. Ушбу йўналиш совриндори олтин медал билан ҳам тақдирланади. Мукофот расман апрел ойида Колумбия университети президенти томонидан тақдим этилади. Ушбу сана Пулицернинг хоҳишига кўра танланган. Мукофотнинг асосий мақсад ва вазифаси - Америка ижодий ишларини дунё ҳукмига

хавола килиш.

Мана, 130 йилдан зиёдрок Жозеф Пулицер матбуот соҳасида йўлга қўйган ўзига хос усул жаҳон журналистикасида кенг қўлланиб келинмоқда. "Сарик журналистика" номи билан миллионлар эътиборини тортган медиа-магнат асли шунчаки хавойи "сарик" шухратдан йирок эди. У "сарик матбуот"ни бугун бизнинг тасаввуримиздаги енгил-элпи мавзулар, олди-кочди маълумотлар, ахборий чиқиндилар билан эмас, балки халқ манфаатига хизмат килувчи, жамоатчилик фикрини ўрганувчи, ошкораликни химоя этувчи, адолат ва ҳақиқатни ёқловчи, жаҳолатга қарши курашувчи чиқишлар билан бойитди. У бошлаган хайрли иш - журналистика, адабиёт, таълим, мусика жаҳласида таъсис этилган муқофот, мана, бир асрдирки, мамлакатнинг энг яхши маданий ютуқларини саралабгина қолмай, уларни беминнат рағбатлантириб ҳам қолмоқда.

Янги иш бошлаш олдидан "Америка очишга уриниш" деган кинояли қочирикни тез-тез қўллаймиз. Мазмуни ҳаммага тушунарли... Аммо Американи дунёга қайта танитган, соҳада янги йўналишга асос қолган Жозеф Пулицер қабри сиймоларга нисбатан ушбу иборани ўз маъносида ҳам қолалла айтиш мумкин!

Забаржад Бобожонова